

**Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўлими томонидан
2025 йил 24-28 март кунлари бажарилган ишлар юзасидан**

Маълумот

1. Давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган барча тиббиёт муассасаларнинг 2025 йил учун муассасалар кесимида бюджетини режалаштириш юзасидан ишлаб чиқилган бизнес режалари ўрганилди ҳамда молиялаштириш юзасидан баённома лойиҳалари тайёрланди.

2. Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўлимига келиб тушган хатлар атрофлича ўрганилди ва тегишли жавоб хатлари тайёрланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги “Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-408-сонли қарори бўйича кузатув кенгашининг “Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди тўғрисида” баёни лойиҳаси тайёрланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигинининг 2025 йил 28 февралдаги Ҳайъат йиғилишининг 2-сонли баёнида Давлат тиббий суғурта жамғармасига берилган топшириқлар юзасидан таклифлар тайёрланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сон қарорининг 8-банди "б"-кичик бандида 2025 йил 1 апрелга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Жамғарма билан келишилган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхати ҳамда базавий нархларини касалликларни даволаш йўналишлари асосида барча тиббиёт ташкилотлари учун қайта тасдиқланиши юзасидан Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббий таълим муассасалари клиникалари ҳамда клиник шифохоналар(рўйхат бўйича)га 2025 йил 12 мартда 05/01-50-сонли хат асосида нархлари (прейскурант) олиниб, муассасасалар кесимида таҳлил қилинди.

6. Республиканинг барча вилоятларига аҳолиси энг катта ва энг кичик бўлган шаҳар ёки туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда вилоят КТТМ ва Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги ИАТМ вилоят филиаллари 2025 йил учун ишлаб чиқилган калькуляция асосида жамғарма томонидан берилган жадвалга муассасанинг нархларини қўйиб бериш юзасидан ишлари амалга оширилди.

7. Туркия тиббий суғурта тизими томонидан Ўзбекистонга бириктирилган халқаро маслаҳатчи Dr.Hasan Çağıl Ahmet Cemil билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат

тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сон қарорининг 8-банди "б"-кичик бандида 2025 йил 1 апрелга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ва Жамғарма билан келишилган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхати ҳамда базавий нархларини касалликларни даволаш йўналишлари асосида барча тиббиёт ташкилотлари учун қайта тасдиқланиши юзасидан ҳафта давомида бир неччи мартаба музокаралар олиб борилди.

**Бюджетни шакллантириш ва
ижро этиш бўлими бошлиғи**

Н.Умаров